

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚОЛПАҚ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЮРИДИКА ФАКУЛЬТЕТИ

**«ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ПРОЦЕССИ ВА КРИМИНАЛИСТИКА»
КАФЕДРАСИ**

РЕФЕРАТ

**Мавзу: « Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти
фанининг тушунчаси, предмети ва тизими»**

Бажарган:

Аллашукурв Б

Нукус 2012.

**Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти фанининг
тушунчаси, предмети ва тизими.**

Кириш

§.1. Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти фанининг
тушунчаси,

§.2. Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти фанининг
предмети

§.3. Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти фанининг тизими

Хулоса

Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти - “Адвокатура тўғрисида”ги қонунда кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, хорижий давлатлар фуқароларига, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатиш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини суд ва бошқа давлат органларида ҳимоя қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Адвокатура тўғрисидаги”, “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги” қонунлар, шунингдек, Жиноят-процессуал Кодекси, Фуқаролик-процессуал Кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекслар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Адвокатура - ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Адвокатура Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади.

Адвокат - олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) белгиланган тартибда олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин.

Адвокатнинг вазифаси- жиноят содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчини қонунда кўзда тутилган ҳар қандай усул ва воситалар билан ҳимоя қилиб, ўз ҳимояси остидаги шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришга ҳаракат қилиш, айбдорни ҳақли жазодан қутқариб қолишга эмас, балки одил судловни амалга оширишда ҳақиқатни аниқлашга ёрдам бериш, шахсга нисбатан суд-тергов идоралари томонидан ғайриқонуний

усуллар қўлланилишига йўл қўймаслик, ҳимояланувчининг ҳаракатига тўғри ҳуқуқий баҳо беришга ва адолатли ҳукм ҳамда ҳал қилув қарорларининг тайинланишига эришиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қўмаклашишдир.

Адвокатнинг ҳуқуқлари:

Адвокат касбий фаолиятини амалга ошириш чоғида қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

тегишли масалаларни ҳал этишга ваколатли бўлган барча органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг топшириғига мувофиқ уларнинг манфаатларини ифода этиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

судларда, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётган органларда далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш;

юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан адвокат томонидан сўралган ҳужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини конун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериши шарт бўлган давлат органлари ва бошқа органлардан, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ҳамда бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш.

II-Мавзу. Адвокатура фуқаролик жамияти институти сифатида.

Фуқаролик жамияти ва адвокатура

Г.Гегел дихотомиясига асосланган ҳолда, биз фуқаролик жамияти тушунчасини қуйидагича таърифлашга ҳақлимиз. Фуқаролик жамияти кенг маънода, биринчидан, институциявий жиҳатдан расмийлаштирилган шахсий манфаатлар соҳаси, иккинчидан, шахсий манфаатларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларнинг институциявий ёл билан мустаҳкамлаб қўйилган тизимидир. Шундай экан, кенг маънодаги фуқаролик жамияти институтларига қуйидагилар киради:

шахсий манфаатларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш вазифалари ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган корпорациялар, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар ва бошқа бирликлар;

шахсий манфаатларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари.

Адвокатура институти:

шахсий манфаатларни лозим даражада ифодалаш ёки ҳимоя қилиш мақсадида кўрсатиладиган, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириб қўйилган малакали юридик ёрдам функцияси сифатида:

шахсий манфаатни юридик ҳимоя қилиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари ва ахлоқ қоидалари мажмуи сифатида таърифлаш мумкин.

Адвокатуранинг ёрдамчи функциялари:

- адвокатлик фаолиятининг шарт-шароитларини ташкилий жиҳатдан таъминлаш;
- адвокатларни ҳимоя қилиш (касбий фаолиятни амалга ошириш чоғида уларнинг мустақиллигини таъминлаш учун зарар);
- адвокат иродасини мустаҳкамлайдиган ва унга алоҳида маънавий озиқ берадиган муҳитни шакллантириш ва сақлаш.

Адвокатуранинг дуалистик (иккиёклама) хусусияти:

шахсий манфаатлар соҳасига мансублиги;

умум манфаатлари соҳасига мансублиги билан белгиланади.

Адвокатуранинг махсус ҳуқуқ лаёқати.

Аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонун асосида мустаҳкамлаб қўйиладиган махсус ҳуқуқ лаёқатига эга ташкилот сифатида қараш мумкин.

Адвокатура:

- давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тизимига кирмайди ва улардан мустақилдир.

Юридик ёрдам кўрсатиш.

Юридик ёрдам кўрсатиш жараёнида адвокат ҳар бир ишда ҳимоя остидаги шахснинг (ишонувчининг) шахсий манфаатини мумкин қадар самарали ҳимоя қилиши керак. Адвокатнинг диққат марказида фақат ишонч билдирувчи ҳимоя қилишни ишониб топширган манфаатлар туриши керак.

III-Мавзу: Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон ҳудудида ўзини ўзи бошқарувчи ташкилот сифатидаги биринчи адвокатура...

«Ҳимоячилар шўбаси» номи билан 1879-йил Қўқон шаҳрида Санкт-Петербургда юридик маълумот олган Абдунаби Қуролбой ташаббуси билан ташкил этилди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиуми...

1961 -йил 31 -майда Ўзбекистон ССР адвокатураси тўғрисидаги янги Низомни тасдиқлади. Низом СССР Олий Кенгаши 1979-йил 30-ноябрда «СССРда адвокатура тўғрисида»ги Қонунни қабул қилгунга қадар амал қилди. Ушбу Низомда адвокатлар хайъати умумий йиғилишининг, ижро этувчи орган сифатидаги хайъат раёсатининг, тафтиш комиссиясининг ҳуқуқий ҳолати мустаҳкамлаб қўйилди, юридик маслаҳат идораларини

ташкил этиш йўллари ҳамда уларнинг функциялари, шунингдек, мазкур идоралар мудирларининг вазифалари белгилаб берилди ҳамда адвокатлар ҳайъатига аъзолик ҳамда стажировка ўташ масалалари тартибга солинди.

1975-йилда...

Адвокат томонидан жиноят ишини юритишга доир методик тавсиялар;

1977-йилда...

Фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги йўриқнома нашр этилди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши 1980-йил 12-ноябрда...

«Ўзбекистон ССР адвокатураси тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида» Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун 35 моддани ўз ичига олган 9-бобдан иборат. Низомга мувофиқ олий юридик маълумотга ҳамда юрист ихтисослиги бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган СССР фуқароси адвокатлар ҳайъати аъзоси бўлиши, аъзоликка номзод учун уч ойгача синов муддати белгиланиши мумкин. Ушбу Низомда адвокатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан, ҳайъат ва унинг органлари ишида фаол иштирок этиш ҳуқуқи, шунингдек, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вакил ва ҳимоячи бўлиш ҳуқуқи ҳамда фуқаролар ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ишини ташкил этиш учун юридик маслаҳатхоналар ташкил этиши тартибга солинган.

Ўзбекистонда адвокатуранинг мустақиллигини таъминлайдиган ва адвокатга бериладиган ваколатларни кенгайтиришга қаратилган қатор норматив ҳужжатлар, жумладан:

Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни; ⇒
Ўзбекистон Республикаси «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Малака комиссиялари

- Зарур билимлар ва касбий малакаларга эга бўлган шахсларга лицензиялар бериш тўғрисидаги масалани ҳал этиш, адвокат қасамёдини

қабул қилиш мақсадида, шунингдек адвокатларга нисбатан интизомий иш юритишни олиб бориш учун Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузурида малака комиссиялари тузилади.

- Малака комиссиялари Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаларининг ва адлия органларининг қўшма қарорлари билан адвокатлар ҳамда адлия органлари ходимларидан тенг миқдорда тузилади.

- Малака комиссияларининг қарорлари устидан келтирилган шикоятларни кўриб чиқиш, малака комиссияларининг иш тажрибасини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун Адвокатлар палатаси ҳузурида Олий малака комиссияси тузилади. Олий малака комиссиясининг таркиби Адвокатлар палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қўшма қарорлари билан адвокатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимларидан тенг миқдорда тасдиқланади.

IV-мавзу: Адвокатнинг касбий этикаси.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Таъсис конференцияси томонидан 2008 йил 12 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси адвокатларининг касб этикаси қоидалари”да қуйидагилар мустаҳкамланган, жумладан:

Умумий қоидалар

Адвокатнинг касбий нуфузи ва шахсий қадр-қиммати;

Адвокатларнинг ўзаро муносабати;

Адвокатнинг ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан муносабатлари;

Адвокатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, бошқа жамоат ташкилотлари ва ўзга ташкилотлар билан муносабатлари;

Адвокатнинг Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари органлари, шунингдек, малака комиссиялари билан муносабатлари;

Яқунловчи қоидалар.

Адвокат ўз шаъни ва қадр қимматини сақлаши учун:

➤➤ юридик ёрдам кўрсатишни, сўраб мурожаат этган шахсни, ишонч билдирувчи шахсларни, ҳамкасбларини ва бошқаларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши, уларга нисбатан хушмуомилали, одобли, жонқуяр, ҳалол, виждонли, принципиал бўлиши, касб муомаласи одатларига риоя қилиши ҳамда иш услубига монанд кийиниши;

➤➤ ўз вақтида ва малакали фаолият кўрсатиши;

➤➤ адвокатлик сирини сақлаши;

➤➤ адвокатуранинг нуфузига ва адвокатнинг шахсий қадр-қимматига путур етказадиган ҳаракатларга йўл қўймаслиги, адвокатуранинг жамиятдаги ролини оширишга кўмаклашиши;

➤➤ ҳуқуқ соҳасидаги ўз билимларини доимий равишда кенгайтириши ва касбий малакасини ошириши зарур.

Касбий сирни сақлаш қоидалари:

ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг), унинг исми шарифи ва номи билан бирга адвокатга мурожаат қилганлиги фактига;

адвокат томонидан ишга тайёргарлик кўришда тўпланган барча далиллар ва ҳужжатларга;

адвокат томонидан ишонч билдирувчи шахслардан (ҳимоя остидаги шахслардан) олинган маълумотларга;

юридик ёрдам кўрсатиш жараёнида адвокатга маълум бўлган ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) тўғрисидаги ахборотга;

бевосита ишонч билдирувчи шахсга (ҳимоя остидаги шахсга) берилган ёки унга мўлжалланган ҳуқуқий маслаҳатлар мазмунига;

иш бўйича барча адвокатлик иш юритувига;

юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим шартларига, шу жумладан, адвокат ва ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасидаги пулли ҳисоб-китобларга;

адвокатнинг юридик ёрдам кўрсатиши билан боғлиқ ҳар қандай бошқа

маълумотларга нисбатан амал қилади.

V-Мавзу: Адвокатлик фаолиятида нотиклик санъати асослари

Адвокатлик фаолиятининг ҳуқуқий ва ахлоқий асосларидан қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

- фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш;
- қонунийлик;
- профессионализм;
- ўзини ўзи бошқариш;
- раҳбарликда коллегиялик;
- адвокатуранинг мустақиллиги;
- адвокатлик одобига риоя этиш.

Адвокат муваффақиятли ишлаши унинг касбий маҳорати, иш материалларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларни ҳуқуқий баҳолаш, сўроқни олиб бориш, экспертларга саволларни аниқ таърифлаш қобилияти билан белгиланади. ўз ишида адвокат ҳар хил воситалардан фойдаланиши, хусусан:

айблов асосига қўйилган далиллар етарли эмаслигига суд эътиборини қаратиши;

айблов версиясини рад этувчи ёки шубҳа остига қўювчи версия тадқиқ этилмаганлигини кўрсатиши;

айблов замирида ётган далилларни танқид қилиш йўли билан уни рад этиши;

айблов асосланган фактларга мос келмайдиган фактларни исботлаши мумкин.

Адвокатнинг процессуал функциясига татбиқан юридик риторикани амалда қўллаш асосий босқичлари қуйидагилардир:

суд тергови бошлангунга қадар ҳимоянинг ишонарли позициясини шакллантириш мақсадида иш материалларини ўрганиш;

ҳимоянинг узил-кесил позициясини аниқлаш мақсадида суд тергови жараёнида иш олиб бориш, судда нутқ сўзлаш учун материал тайёрлаш,

айблов билан процессуал курашиш ва далилларни судланувчи фойдасига, ҳақиқий деб қабул қилишга, судни олдиндан тайёрлаш;

адвокат процессуал ҳаракатининг яқуни ва ишни тадқиқ қилишнинг пировард натижаси сифатидаги ҳимоя нутқи.

Суд нотиғи айблов ёки ҳимояга тайёргарлик кўрар экан, қуйидаги уч саволга жавобни аниқлаб олиши лозим:

нима рўй берган ва нима учун рўй берган;

суд маслаҳатчиларига нимани исботлаб бериш керак;

уларнинг қарорига қандай таъсир кўрсатиш мумкин.

VI-Мавзу: Ўзбекистон Республикасида адвокатура ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар

Адвокат фаолиятини халқаро миқёсда ҳуқуқий ва маънавий томондан тартибга солишнинг негизини ташкил этувчи энг муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1945-йил 26-июнда қабул қилинган БМТ Устави.

1948-йил 10-декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси.

1966-йил 19-декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт.

Маҳбуслар билан муомалада бўлишнинг минимал стандарт қоидалари (1977-йил 13-майда қабул қилинган).

Ўлим жазосига ҳукм қилинганларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш чоратадбирлари (1984-йил 25-майда қабул қилинган).

Жиноятдан ва ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилишдан жабрланганлар учун одил судловнинг асосий принциплари тўғрисидаги Декларация (1985-йил 29-ноябрда қабул қилинган).

Жиноятларнинг олдини олиш бўйича БМТ Саккизинчи Конгресси (1990-йил, Нью-Ёрк) қабул қилган Адвокатларнинг роли.

Юристарлар халқаро уюшмаси қабул қилган Юридик касбнинг мустақиллиги стандартлари (1990-йил сентябр, Нью-Ёрк).

1996-йил февралда Европа Кенгашининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Фуқаролик, савдо ва маъмурий ишлар бўйича юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Резолюция.

1998-йил 4-ноябрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг Регламенти.

Европа Ҳамжамияти мамлакатларининг адвокатлари учун Қоидалар умумий кодекси.

«Инсон ҳуқуқлари бўйида миллий институтлар» деганда...

хар хил ташкилотлар - инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказлар ёки миллий комиссиялар, омбудсманлар ва бошқалар тушунилади.

Омбудсманнинг бош вазифаси ⇨ давлат бошқаруви органлари хатти-ҳаракатларининг адолатлилиги ва қонунийлигини кузатиб боришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради. Вакил:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга;

иккинчидан, уларни халқаро ҳуқуқ нормалари билан мувофиқлаштиришга;

учинчидан, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади;

тўртинчидан, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади.

Вакил шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текширишда кўмаклашишни сўраб ташкилотлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш;

аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш учун ташкилотларнинг вакилларини ва мансабдор шахсларни таклиф этиш. Текширишни ҳаракатлари ёки ҳаракасизлиги устидан шикоят берилган ташкилотга ёхуд мансабдор шахсга топшириш мумкин эмас;

ташкилотларга ва мансабдор шахслар ҳузурига монеликсиз кириш;

ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни сўраш ҳамда олиш;